

РЕЗЮМЕ. В статье даны теоретические части хоровой креативности в психологокомпотентности, связанном с хоровыми жанрами, в которых даны научные сведения о принципах хоровой классификации, методические пояснения по законам размещения звуков, принципы практического упражнения регистративного применения в современных стилистических формах.

SUMMARY. The article presents theoretical aspects of the psychological competence of creativity in the chorus types are given, in which scientific information is given about the principles of choral classification, methodical explanations according to the laws of the placement of sounds, and the principles of practical exercises of registrative application in modern stylistic forms.

СЦЕНАРИЙ – ЭСТРАДА ВА ОММАВИЙ ТОМОШАЛАР ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ АСОСИ

Дамир Уразбаев – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, сценарий, спектакль, актёр, томошабин, драма, драматургия.

Ключевые слова: театр, сценарий, спектакль, актёр, зритель, драма, драматургия.

Key words: theatre, scenario, spectacle, actor, the viewer, drama, dramaturgy.

Сценарий ҳақида сўз юритишдан олдин биз драматургия ҳақида маълумотга эга бўлишимиз лозим.

Драма (юнончада «харакат» деган маънони англатади) диалоглар шаклида ёзиладиган, сахна учун мўлжалланган адабий асарнинг туридир.

Бадий адабиётнинг бошқа турларидан драма воқеаларни ихчам тарзда намоён этиб, персонажлар характери сўз ва пластика орқали аниқ ва тўлиқ очиб бериб, тушунтириш, баён этиш, изоҳ беришдан холи бўлиб, кераксиз тафсилотлардан қоча билади.

Драманинг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг муаллифи насрчи ва назмчидан фарқли, ўқувчи ва томошабинлар билан ўз қахрамонлари орқали бевосита гаплашади, мулоқотда бўлади. Драматург қахрамонларнинг фаолиятини кўрсатиб, ахлоқни ифодалаб, руҳий оламни очиб, ўзининг ҳаёт ҳақидаги тафакқурини изҳор этади, даврнинг муҳим, долзарб масалаларига муносабатларини билдиради. Бу ҳол драмада қахрамоннинг аҳамиятини жуда оширади, унинг турмуш мезонини аниқлайдиган шахсга айлантириб юборади. Мана шундагина қахрамоннинг ҳаётини замини, қилмишлари ва хатти-ҳаракатларнинг аҳамияти кўзга ташланади. Бундай қахрамон драманинг ғоявий моҳияти билан узвий боғланиб, унинг туб маъносини гавдалантиради, бош драматургик қарама-қаршилиқнинг ривожига алоҳида куч бахшида этади.

Драмани бошқа турлардан ажратиш турадиган хусусияти шундаки, муаллиф юз

берган ҳаракатни, ходисани, томошабинларнинг бевосита кўз олдида келтириб ижод этади. Драмада битта ёки иккита сюжет линияси бўлиб, у кўпроқ кескин, ўткир қарама-қаршилиқлар асосида курилади.

Драма асосан уч жанрга бўлинади.

- драма;
- фожеа;
- комедия.

Драманинг ўзи бир қанча турларга бўлинади:

- мелодрама;
 - психологик драма;
 - мусиқали драма;
 - тарихий драма;
 - маиший драма;
 - эксцентрик драма.
- Комедия жанри эса:
- сатирик комедия;
 - юмористик комедия;
 - мусиқали комедия;
 - водевиль;
 - форс;
 - памфлет;
 - буфонада
 - фожеали комедия ва ҳ.к.ларга

бўлинади.

Қарама-қаршилиқ – драманинг қалби бўлиб, асар сюжетини ишга солувчи пружина, унга алоҳида куч берувчи кудратли рычагдир. Қарама-қаршилиқ асар ғоясини, муаллифининг ижодий ниятларини, персонажларнинг ўзаро алоқалари ва улар ўртасида юз берган курашни ифода этади. Драматик қарама-қаршилиқ –

вокеликдаги зиддиятларнинг бадиий ифодасидир.

Драманинг композицион курилиши, бу асарнинг бадиийлигининг асосидир.

«Композиция» тушунчаси (лотинчадан олинган бўлиб, «componere» - тахлаш, куриш деган маънони англатади) санъатнинг барча жанр ва турларига тааллуқлидир. Композиция ўзининг бир қанча компонентларидан ташкил топади. Буларга мавзу, ғоя, экспозиция, олий мақсад, воқеалар ривож, қарама-қаршилик, тугун, кульминация, ечим киради.

Композиция элементлари пьеса тузилишини ташкил қилиб, унинг қиёфасини аниқлайди. Қиёфада эса турли элементлар ўзаро боғланади, бир бутунлик, яхлитлик пайдо бўлади. Композиция шаклга алоқадор бўлиб, драмага чиройли ташқи кўриниш беришга хизмат қилади. Шартли равишда сюжетни драманинг қолипи деб атасак, композиция эса унинг қиёфасидир.

Оммавий байрам ва томошалар қахрамонларнинг имкониятлари жуда ҳам кенгдир. Драматургиясининг сосини сценарий ташкил этади. Сценарий (итальянча «Scenario» - адабий-драматик асар деган маънони англатади) тадбир мазмунини адабий таъсирлаш бўлиб, бунда жиддий кетма-кетлик асосида ҳаракат элементлари бўлмиш мавзу ва ғоя, бир бўлақдан иккинчисига ўтиш, блоклар, безаклар, матнлар тўлиқ кўрсатилади.

Сценарий табиати бўйича бир қанча турларга бўлинади:

1. Кино сценарий:

- а) бадиий фильмлар сценарийси;
- б) ҳужжатли фильмлар сценарийси;
- в) илмий-оммабоп фильмлар сценарийси;
- г) қўғирчоқ ва мультифильмлар сценарийси.

2. Телевизион сценарийлар:

- а) адабий-бадиий кўрсатувлар сценарийси;
- б) публицистик – ахборот кўрсатувлар сценарийси;
- в) маънавий - маърифий кўрсатувлар сценарийси;
- г) ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар сценарийси;
- д) ўйин-кўнғил очар кўрсатувлар сценарийси;
- е) телевизион фильмлар сценарийси;
- ж) мусикий кўрсатувлар сценарийси ва ҳ.к.

3. Радиоэшиттиришлар сценарийси:

- а) ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар сценарийси;
- б) адабий - бадиий эшиттиришлар сценарийси;
- в) публицистик-ахборот эшиттиришлари сценарийси;
- г) мусикий эшиттиришлар сценарийси;
- д) маънавий – маърифий эшиттиришлар сценарийси;
- е) ўйин-кўнғил очар эшиттиришлар сценарийси ва ҳ.к.

4. Цирк томошалари сценарийси.

5. Эстрада ва оммавий томошалар сценарийси.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурасулов Ш. Адабиёт, сахна, инсценировка. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
2. Абдусаматов Х. Драма назарияси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
3. Аҳмедов Ф.Э. Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати. – Тошкент: Чўлпон, 2007.
4. Душамов Ж. Оммавий тадбирлар режиссураси. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2002.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада эстрада ва оммавий томошалар драматургиясининг сценарийини ёзиш ва унинг асослари, драматургия ҳақида сўз етилади. Яна драма ва драмани бошқа турлардан ажратиб турадиган хусусияти ҳақида маълумотлар ўрин олган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о написании сценария драматургии эстрадных и массовых шоу и его основах, драматургии. Также есть сведения о драматургии и особенности, отличающей драму от других жанров.

SUMMARY. This article talks about writing the script of the dramaturgy of pop and public shows and its basics, dramaturgy. There is also information about drama and the feature that distinguishes drama from other genres.